



ТАСДИҚЛАЙМАН”

НамДУ академик лицейи

Директор  Д.Хакимов

«17» август 2022 йил

Наманган далат университети академик лицейидаги ўқувчилар ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларни уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1. Буюртмачи

НамДУ академик лицей

Ташкилий-хуқуқий шакли

Бюджет ташкилоти

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Наманган шаҳри
Бобуршоҳ кучаси 162а-үй

Директор:

Д.Р.Хакимов

1.2. НамДУ академик лицейининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекта аниқланади.

1.3 Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун академик лицей ётоқхонасида яшаётган ўртacha сони 350 нафар ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш учун ўртacha ой кунларини 3/2 кисмини бюджет маблағлари хисобидан, 2022 йил сентябр, октябр, ноябр ва декабр ойлари учун 693 000 000 (олти юз тўксон уч миллион) сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қўшимча қиймат солиги билан 693 000 000 (олти юз тўксон уч миллион) сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2 Танлов максади.

2.1. Академик лицей ётоқхонасида яшаётган ўртacha сони 350 нафар ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш ижрочи-тадбиркорлик субъекта саралаш бўйича

3 Танлов иштирокчилари.

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. 4.4- бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4 Ижроига бўлган талаб.

4.1. Ижрои давлат руйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли обьектларида ишлаш иш ташкил қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 иил

26сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хамда Молия вазирлигининг 2018 ийл 27 февралдаги 3-2018 ва 33-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 ийл 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3 Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов хужжатлари талабларига мувофиқ қуидаги хужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома нусхаси;
- Ташкилотнинг бош ошпаз ва барча ходимлари тиббий кўрикдан ўз муддатларида ўтганлиги тўғрисида тиббий давтарчаси ёки гувохномалари нусхаси

4.4. Қуидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуидаги холларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки бевосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига хал қилиниши учун таъсир ўтказувчи харакатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз ракобат ёки афзалликларга эга

5 Бошқа шартлар.

5.3 Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича низомда белгиланган кун ва саналарда хисоб-варақ фактура тақдим этиб бориши лозим.

5.4 Буюртмачи томонидан тўловлар, хисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 1 ой давомида амалга оширилади.

5.5 Имтиёзли овқатлантириш бўйича таомномалар (меню) Буюртмачи маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган давлат университети академик лицейи ёткхонасида ёшаётган ўкувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантиришни бажарувчи корхонани саралаш бўйича ўртacha ой кунларини 3/2 кисмини бюджет маблағлари хисобидан	Буюртмага асосан